

Антимикроб пластиклар бозори 2035 йилга келиб икки баравар ўсиши мумкин

// 17.04.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/87c29f46-0040-4d63-ba43-f9f0f73d480f>



Jahon kimyo sanoati xabarлари

Antimikrob plastiklar bozori 2035-yilga kelib ikki baravar o'sishi mumkin



uzkimyosanoat.uz



[@uzkimyosanoat](https://t.me/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)



[@uzkimyosanoat](https://www.youtube.com/@uzkimyosanoat)

2024 йил натижаларига кўра, микробларга қарши хусусиятларга эга пластиклар бозори 42,2 миллиард долларга баҳоланди. 2035 йилга келиб унинг ҳажми икки баравардан ошиб, 90,6 миллиард долларга етиши мумкин.

Бу ҳақда Global Banking & Finance Review портали хабар берди.

Basf (Германия), Avient Corporation (АҚШ), Clariant (Швейцария), Exel Composites (Финляндия) ва бошқа шу каби ишлаб чиқарувчилар бозор ўсишининг драйверлари сифатида майдонга чиқмоқда.

Американинг Мисробан Интернационал компанияси ПВХ, ПУ ва EVA га замбуруғларга қарши хусусиятларни қўшди. Технология замбуруғларнинг тарқалишини олдини олиш орқали маҳсулотларнинг ишлаш муддатини узайтиради.

Бундай материалларга соғлиқни сақлаш, қадоқлаш, истеъмол товарлари ва саноат ишлаб чиқаришида талаб мавжуд.

Соҳадаги бу каби ишланмалар пластикларнинг эксплуатация хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ҳимоя хусусиятларини яхшилашга қаратилган.

